



4.4 Ижрочи томонидан хизмат кўрсатилмаса Истеъмолчига кечиктирилган ҳар бир кун учун белгилаган муддатда тўланмаган сумманинг 0,5% дан миқдориди, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдориди, пеня тўлайди. Пеня тўлаш ттомонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

### 5. ШАРТНОМА МУДДАТИ

5.1 Шартнома муддати "01" 01 2018 йилдан "31" 12 2018 йилгача белгиланади.

5.2 Ушбу шартномага оид бўлган Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган тақдирда, томонларнинг розилиги билан шартномага тегишли қўшимча ва ўзгартириш киритиш учун қўшимча шартнома тузиш;

5.3 Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилинганга қадар ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

5.4 Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

### 6. НИЗОРЛАРНИ ҲАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

6.1 Томонлар орасида келиб чиққан барча келишмовчилик ва торгишувлар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

Мазкур шартномадан келиб чиқадиган келишмовчиликлар, томонлар томонидан ҳал этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида белгилаган қонунчиликка биноан суд орқали ҳал этилади.

### ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

"ИЖРОЧИ"	"ИСТЕЪМОЛЧИ"
<b>Сирдарё вилояти "Тоза ҳудуд" ДУК</b> туман(шаҳар) филиали	
Манзил: _____	Манзил: <u>ГШТБ</u>
Тел: _____	Тел: <u>244162012424</u>
Банк номи: _____	Банк номи: <u>МБХББМ</u>
Х/Р: _____	Х/Р: <u>13402200010000100</u>
МФО: _____ ИНН: _____	МФО: <u>0014</u> ИНН: <u>201122919</u>
ХХТУГ: _____	ХХТУГ: _____
(ФИШ раҳбар)	(ФИШ раҳбар)

**ҚИЎЧИЛУС ХУЛОСАСИ:**  
Шартнома Лойиҳаси Ҳ.Б.Г.нинг  
Фуқаролик қонунини  
Ўзбекистон Республикасининг  
Ҳужжат тартибчи субъектлари фаолиятининг  
шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисидаги  
Қонунни ва бошқа қонунларига мувофиқ  
тузилган.

Ҳужжат  
Е.Б.Сидорин

ИМЗО

Юридик шахслар учун каттик маиший чикиндиларни  
тўплаш ва олиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 0902520

2022 "31" 01

Гудиев

Сирдарё вилоят "Тоза ҳудуд" ДУК Гудиев шаҳар (туман) филиали  
бундан бўён матида "ИЖРОЧИ" деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият  
юритувчи раҳбар Б. Қодиров томондан, Гушта  
бундан бўён матида "ИСТЕЪМОЛЧИ" деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида  
фаолият юритувчи раҳбар Т. И. Раҳимов иккинчи томондан ушбу шартномани,  
куйдаги мақсадларда туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Мазкур шартномага биноан Ижрочи билан Истеъмолчи ўртасида каттик маиший  
чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича (ҚМЧ) тўғридан тўғри хўжалик  
алоқа ўрнатилди.

Истеъмолчи топширида, Ижрочи эса шартномада кўрсатилган ҳақ эвазига  
Истеъмолчи томонидан махсус белгиланган \_\_\_\_\_ манзилда  
жойлашган (ЧЙМ) чикинди йиғиш майдончасидан (ҚМЧ) каттик маиший чикиндиларни  
олиб чиқиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2 ҚМЧни умумий тўпланиши бир ойга \_\_\_\_\_ м3, бир йилга \_\_\_\_\_ м3  
ташқил этади.

### 2. КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОВ ҚИЛИШ

2.1 Ушбу шартнома имзолаш пайтидаги амалдаги нарх ҳар бир м3 ҚМЧ учун  
450000 сўм, ҚҚС билан 518500 сўмини ташқил этади.

2.2 Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўловнинг умумий қиймати  
\_\_\_\_\_ сўм ташқил этади.

Каттик маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш  
тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида Истеъмолчининг абонементлик  
пунктларида эълонлар осин йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали  
Истеъмолчиға маълум қилади.

2.3 Истеъмолчилар каттик маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича  
кўрсатилаётган хизматлар қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан  
тўловни, кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ ҳисоб-китобини эса календарь ой тугагандан  
кейин 30 кун давомида амалга ошириши шарт.

2.4 Каттик маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган  
хизматлар учун тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган каттик маиший  
чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлар учун тарифлар бўйича амалга оширилади.

2.5 Юридик манзил, банк реквизитлари, корхона номлари ёки ҚМЧ лажим ўзгарган  
тақдирда, томонларни 10 кун олдин ёзма равишда огоҳлаштириш керак.

2.6 Каттик маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли бўлмаган  
сифатдаги ёки белгиланган муддатлардан ортиқ узлинишлар билан хизматлар  
кўрсатилганда, ушбу даврда хизматлар учун тўловлар камайтирилади.

2.7 Ижрочи томонидан Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига зиён  
етказилган ҳолатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у  
Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Ижрочи куйдаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун жарима ёки

пеня (неустойка) тўпланишини қонун доирасида талаб қилиш;

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив ҳуқуқий далолатномаларга ва бошқа ҳуқуқсизга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 3.2 Ижрочи қуйидагиларга мажбур:

Белгиланган муддатларда қаттиқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш;

Қонунчиликда, мазкур Қондаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Истеъмолчига зарур сифатдаги қаттиқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

Қаттиқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисобваракаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Қаттиқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

Истеъмолчининг мурожаатига асосан, алоҳида кўрсатилган нарх бўйича бузилишдан қолган қурилиш чикиндиларни, грунтни, агротехник ишлардан чиқарилган чикиндиларни (шоҳ-шаббалар, буталар ва бошқалар), олиб чиқиб кетиш умум қўшимча транспорт воситасини ажратиш;

Чикинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бузилишини таъминлаш;

Истеъмолчининг мурожаатига асосан, қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш.

Аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек атроф-муҳит учун хавфли бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чикиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолишига режалар ишларни олиб бориш (контейнерлар ва чикинди тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки юваб туриш йўли билан);

Тўпланиб қолган чикиндиларни ҳисобини олиб бориш;

Истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича камчиликларга йўл қўймастик ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш;

Қаттиқ маиший чикиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

Сан Пин Руз. № 0297-11 биноан чикиндиларни йиғиш шохобчаларини ва қутиларни дезинфекция қилиш;

### 3.3 Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;

Хизматлар кўрсатилаётганда Ижроча айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган миқдорда жарима ёки пеня (неустойка) тўпланишини талаб қилиш;

Ижрочидан қаттиқ ва суяк маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиш шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш, хизматлар учун электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варакаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочига ёзма ёки телефон орқали (телефон орқами) шикоятлар тақдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатнома ни тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

Шартномага мувофиқ, вақтинча ишлаб чиқариш ишлари бўлмаган, ҳужжатлар билан тасдиқланган давр ёки шартномада белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилмаган давр учун қаттиқ ва суяқ маиший чикиндиларни олиб чиқиш кетиш хизматлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятларидан тўлиқ ёки қисман озод қилиниш;

Қаттиқ маиший чикиндиларни олиб кетиш хизматлари сикатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришса ёки сикатсиз хизмат кўрсатса, зарар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.4 Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

Хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;

ҚМЧ ташиланадиган контейнерларни қурилиш ва йирик ҳажмдаги чикиндилар, шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чикиндиларни талиб кетиш учун алоҳида шартнома тузиш ва ҳақ тўлаш;

Чикинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чикинди тўплаш қурилмаларига автошиналарнинг эркин яқинлашишини ва чикинди қутилларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш;

ҚМЧни ўз вақтида ташиб чиқиш кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда \_\_\_\_\_ телефониغا телефонограмма йўллаш орқали Ижрочиға маълумот бериш;

Бажарилган ишнинг ҳажмини Ижрочининг ҳужжатларида Истеъмолчи вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш;

Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномасини расмийлаштириш;

Ҳар ойда ойнинг охиригача ўтган ойда бажарилган ишларининг далолатномасига асосан пул маблағларини Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиш ҳамда режавий иш ҳажмига қараб олдидан 15% кам бўлмаган тўловларни амалга ошириш;

Қаттиқ маиший чикиндиларни кўчаларга, сув йўлларига, ариқ ва қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлақлар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламаслик;

Чикиндиларни корхона ҳудудига ва руҳсат этилмаган жойларда кўмиб ташлашга йўл қўймаслик.

#### **4. ШАРТНОМАЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1 Истеъмолчи қуйидагиларга жавобгар:

Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун;

ҚМЧни олиб чиқиш кетиш хизматиға ўз вақтида тўлов тўламаганлиги учун;

Шартнома шарҳларига қўра алоҳида белгиланган жойларда йиғилган ҚМЧни олиб чиқиш кетиш хизматини бузганлиги учун;

4.2 Истеъмолчи шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4%дан миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%дан ошмаган миқдорда, пеня тўлайди.

4.3 Ижрочи қуйидагиларга жавобгар:

Кўрсатилаётган хизматларнинг муддатлари ва камчиликларни бартараф этиш муддатлари бузилганлиги аниқланган ҳолатларда;

Кўрсатилаётган хизматларнинг муддатлари ва камчиликларни бартараф этиш учун тайинланган жаримани жаримани ўз вақтида тўламаганлиги учун;

Ижрочи томонидан кўрсатилаётган хизматлар ёки сифатсиз хизматлар оқибатида ишчиларнинг ҳаётига, соғлиғига ва Истеъмолчининг мулкига етказилган зарур учун;